

Болаларга беринг дунёни!

Бутун дунё бўйлаб, ҳар йилнинг 1 июнь куни “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни” сифатида нишонланади. Ушбу байрам кўпчилик давлатларда “Халқаро болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни” сифатида ҳам эътироф этилади.

Дунёning кўпчилик мамлакатлари ва шаҳарларида бу байрам болалар ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш ҳақида муносара ва маъruzalар ўтказиш билан нишонланади. Шунингдек, болалар кунида турли-туман қувноқ ва маданий оммавий тадбирлар, спорт мусобақалари, концертлар ўтказилади.



Шу муносабат билан Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти факультети раҳбарияти ва факультетнинг Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг фаол ёшлари ташабbusi билан 2019 йил 1 июн куни Тошкент вилояти Бука туманида жойлашган 15-сонли Мехрибонлик уйига ташриф буюришди ҳамда ўзларининг эсдалик совғалар билан болажонларни хурсанд қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та ташабbusdan келиб чиқиб меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига кийим-кечак, спорт анжомлари, ўқув қуроллари ҳамда ҳар хил китоблар тақдим этилди.



Болаларни ҳимоя қилиш куни байрамининг мақсади кенг жамоатчилик дикқатини муаммоли болаларга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ҳимояланган дунёда яшаш имкониятларига, баҳтили болаликка эга бўлишларига ва ўз мамлакатининг тўла-тўқис ва хотиржам фуқароси бўлиб ўшишларига қаратишdir.



Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқининг Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти факультети бошланғич ташкилоти ушбу рамазон ойида ўз муруватини аямаган инсонларга миннатдорчилик изҳор этади.

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ЭНЕРГИЯ
ТАЪМИНОТИ ФАКУЛЬТЕТИ декани

Т.Ф.Д. Исақов Абдусаид Жалилович маълумоти